



Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

http://xs.uz

E-mail: Info@xs.uz

2013 йил 26 октябрь, № 210 (5884)

Шанба

МДХНИНГ МИНСК САММИТИ

Аввал хабар қилинганидек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 24-25 октябрь кунлари Минск шаҳрида бўлиб, МДХ Давлат раҳбарлари кенгашининг навбатдаги мажлисида иштирок этди.



Мустиқил Давлатлар Ҳамдўстлигининг саммитлари 20 йилдан ортиқ вақт давомида давлатлар аро аҳамиятга молик муҳим масалалар, минтақавий ва халқаро муаммолар юзасидан фикр алмашиш, ўзаро маъқул қарорлар қабул қилиш мақсадида очик маслаҳатлашиш учун қулай мулоқот майдони вазифини ўтаб келмоқда.

Минск учрашувида Ҳамдўстлик фаолиятини янада такомиллаштириш, аъзо мамлакатлар ўртасида сиёсий, савдо-иқтисодий, сарможавий, маданий-гуманитар алоқаларни мустаҳкамлаш, халқаро ташкилотлар доирасидаги ҳамкорликни ривожлантириш масалалари кўриб чиқилди.

Президентлар минтақавий ва халқаро муаммолар, хусусан, терроризм, экстремизм, наркотик моддалар ва қурол-яроғ контрабандаси каби таҳдидларни бартараф этишда ҳамкорлик борасида фикр алмашдилар.

Афғонистондаги вазият ҳақида сўз борар экан, 2014 йилда халқаро коалиция кучлари бу мамлакатдан чиқарилиши хавфсизликни таъминлаш борасидаги муштарак саъй-ҳаракатларни янада фаол мувофиқлаштиришни тақозо қилиши таъкидланди.

Ислам Каримов Ҳамдўстлик маконида терроризм ва экстремизм ғоялари кириб келишига йўл қўймайдиган муҳитни шакллантириш, бу иллатларнинг

олдини олишда фақат уларнинг ўзи эмас, манбаларига қарши курашиш зарурлигини қайд этди. Ўзбекистон раҳбари бу борада ахборот-коммуникация технологиялари соҳасидаги ҳамкорлик ҳам муҳим аҳамият касб этилиши таъкидлади.

Ўзбекистон Президенти Афғонистондаги вазият ҳақида тўхталиб, бу муаммонинг ҳарбий ечими йўқ эканини, қуролли можаорога мурося ва музокара билан барҳам бериш мақсада мувофиқ эканини қайд этди.

Давлат раҳбарлари МДХ доирасидаги савдо-иқтисодий муносабатларга доир масалаларни ҳам кўриб чиқдилар. Маълумки, бу йўналишдаги

кўп томонлама ҳамкорликни янада ривожлантириш мақсадида 2011 йилда Эркин савдо зонаси тўғрисидаги шартнома имзоланган. Президент Ислам Каримов тўлақонли эркин савдо зонасини барпо этиш энг устувор ва муҳим вазифалардан бири эканини таъкидлади.

Зеро, дунёдаги қўллаб-мамлakatлар молиявий-иқтисодий инқирозни бошдан кечирган ва унинг асоратларини бартараф этаётган ҳозирги шароитда мукамал эркин савдо зонасини шакллантириш ишлаб чиқаришни рағбатлантириш, ишбилармон доираларнинг ўзаро ишончини янада мустаҳкамлаш, қўшма иқтисодий дастурлар-

нинг вақтида ижро этилишини таъминлаш каби қатор иқтисодий самаралар беради.

Президентлар маданий-гуманитар ҳамкорлик масалаларини муҳокама қилиб, 2014 йилни МДХда Сайёхлик йили деб эълон қилишга келишиб олдилар.

Давлат раҳбарлари жиноятчилик, одам савдоси, нарқобизнес, терроризмга қарши курашиш чора-тадбирлари тўғрисидаги дастурларни тасдиқладилар.

Ҳамдўстликка раислик 2014 йилдан Украинага ўтади.

Анвар БОБОВЕВ, ЎЗА махсус мухбири. Тошкент — Минск — Тошкент. Сарвар ЎРМОҶОНОВ олган сурат.

ДЕПУТАТЛАР ҚОНУН ЛОЙИҲАЛАРИНИ ИККИНЧИ ЎҚИШДА КЎРИБ ЧИҚДИЛАР

25 октябрь куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Қонунчилик палатаси Кенгаши томонидан тақлиф этилган кун тартиби тасдиқланганидан кейин депутатлар иккинчи ўқишда бир қатор қонун лойиҳаларини кўриб чиқдилар.

ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА

Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги сиёсий партиялар сиёсий гуруҳларининг роли ва аҳамиятини янада кучайтириш бўйича тақлифлар асосида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари гуруҳининг ташаббусига кўра ишлаб чиқилган «Сиёсий партиялар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунга ўзгартиш ва қўшимча киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳаси парламент аъзоларининг диққат марказида бўлди. Шу муносабат билан сиёсий партиялар электроратининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишда ваколатли маҳаллий ҳокимият органларидаги партиялар гуруҳлари фаолиятининг самарадорлигини ошириш жараёнларини қонунчилик

йўли билан таъминлаш ушбу ҳужжатни ишлаб чиқишдан кўзланган асосий мақсад эканлиги таъкидланди.

Жумладан, қонун лойиҳасида партия гуруҳларини ташкил этиш шартлари ва тартиби Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорги Кенгеси, Ўзбекистон Республикаси вилоятлари ва шаҳарлар халқ депутатлари Кенгашларидаги партия гуруҳларини ташкил этиш учун депутатларнинг энг кам миқдори белгиланмоқда. Шунингдек, партия гуруҳининг фаолияти унинг аъзоларининг ўз ташаббусига кўра, ҳокимият вакиллик органи ваколатлари муддати туғанди, тегишли сиёсий партиянинг фаолияти туғатилганда, партия гуруҳи таркибига кирувчи депутатларнинг сони уни ту-

зиш учун зарур бўлган меъёрдан камайиб кетганда тугатилиши мумкинлиги кўрсатилмоқда.

Мажлисида таъкидландики, амалдаги қонун ҳужжатларида назарда тутилган ваколатлар билан бир қаторда партия гуруҳларига тегишли вакиллик органи қўмиталари ёки комиссиялари раислигига, раис ўринбосарлигига ва аъзолигига номзодлар бўйича тақлифлар киритиш, тегишли ҳудудда жойлашган давлат органи раҳбарининг ўз фаолияти масалалари юзасидан ҳисоботи ва ахборотини Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорги Кенгесининг, халқ депутатлари Кенгашининг сессияларида эшитиш ҳақида тақлифлар киритиш ҳуқуқининг берилиши ушбу қонун лойиҳасининг муҳим жиҳати ҳисобланади. Бунда қатор депутатларнинг ярмидан кўпи қўллаб-қувватлаган тақдирда қабул қилинади. Ушбу қонун лойиҳасида партия гуруҳлари раҳбарлари ҳокимиятнинг вакиллик органи томонидан албатта кўриб чиқилиши белгиланмоқда.

(Давоми 2-бетда).

БИЗ ВА ЖАҲОН

Мамлакатимизнинг Париждаги элчихонаси ва Франциянинг Руэй-Мальмезон шаҳри мэрияси ҳамкорлигида уюштирилган тақдирот маросимида 50 дан зиёд компания, жамоат ассоциациялари, муниципал ташкилотлар ҳамда маҳаллий маъмурият вакиллари ҳозир бўлдилар.

Ўзбекистоннинг иқтисодий ва сармоявий салоҳияти Францияда тақдим этилди

Тадбир чоғида юртидаги жозибали сармоявий муҳит, «Навоий» эркин индустриал-иқтисодий зонаси, «Ангрен» ҳамда «Жиззах» махсус индустриал зоналарида, шунингдек, Навоий шаҳар аэропортидаги Халқаро интермодал логистика марказида хорижий сармоядорлар учун яратилган

қулай шарт-шароитлар билан боғлиқ масалалар мулоқотларнинг асосий мавзуси бўлди. Бунда Франциянинг илғор технологияларга эга етакчи компаниялари билан ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйиш, уларнинг кимё, озик-овқат, тўқимачилик саноатида, машинасозлик, дори-дармон ишлаб чиқа-

риш сингари соҳалардаги кенг қамровли лойиҳаларнинг ҳаётга татбиқ этилишида иштирок этиши истиқболларига эътибор қаратилди. Руэй-Мальмезон шаҳар мэри, Миллий Ассамблея депутати,

(Давоми 2-бетда).

ФИДОКОРОНА МЕҲНАТ, АЗМУ ШИЖОАТ САМАРАСИ

Мамлакатимиз пахта далаларидан 3 350 000 тоннадан зиёд муҳим саноат хом ашёси йиғиштириб олинди!



ИФТИХОР

Бу — кишлққ мулкдорлари давлатга пахта сотиш бўйича йиллик шартнома мажбуриятларини шараф билан удаладилар,

дегани. Ҳосилнинг асосий қисми, яъни 90 фоиздан кўпроги юқори сортларга топширилгани эса ўзбек деҳқони нималарга

(Давоми 2-бетда).

ЎЗБЕКИСТОН ПАХТАКОРЛАРИ ВА БАРЧА МЕҲНАТКАШЛАРИГА

Азиз дўстлар!

Бугун кишлққ ҳўжалиги соҳасида, қолаверса, бутун юртимиз ҳаётида қувончли бир воқеа, яъни мамлакатимиз пахтакорлари 3 миллион 350 минг тоннадан зиёд хирмон бунёд этиб, катта меҳнат галабасига эришдилар. Ватанимиз тараққиёти йўлида, иқтисодиётимизни барқарор суръатлар билан ривожлантиришда, халқимизнинг ҳаётини янада фаровон ва обод қилишда, ҳақиқатан ҳам, катта ҳисса бўлган бу улкан ютуқ билан авваламбор пахтакорларимизни, барча кишлққ ҳўжалиги меҳнаткашларини чин қалбимдан самимий муборакбод этишдан хурсандман.

Бу юксак марра пахтачилик ишига ўз ҳаётини бағишлаган, ўз касбининг устаси ва фидойиси бўлган деҳқон ва фермерларимизнинг, ушбу соҳага дахлдор олим ва мутахасссларнинг ўта мураккаб ва машаққатли меҳнати натижаси, том маънода мардлик ва матонат намунаси эканини халқимиз яхши билади ва юксак баҳолайди.

Пахтани ўстириш, уни парварши қилиш, мўл ҳосил этиштириш билан таниш бўлган ҳар қайси одам бу иш нақадар оғир меҳнат талаб қилишини, бунинг учун йил давомида, биринчи навбатда, ер ва уруғ тайёрлаш, кунни — кун, тунни — тун демасдан, ҳар туп қўчат устида парвона бўлиш, шунингдек, об-ҳаво инжикчилари, касаллик ва зараркунданлар етказадиган зиёнлар ва бошқа турли муаммоларни бартараф этиш — буларга фақат иродаси мустаҳкам, ўз касби ва меҳнати севган инсонларгина қодир эканини англайди, тушунади.

Бу йилги мавсумни оладиган бўлсак, апрель ойида ҳаво ҳароратининг меъёрдан сезиларли даражада паст бўлгани, сурункали ёмғир ва жала туфайли чигит экиш 5-7 кунга кечикиб кетгани, май ойида 20-25 кун давомида туپроқда намлик миқдори ортиб, чигитнинг униб қилиши ва ғўза ривожини деярли тўхтайтиб қўйганини ҳаммамиз яхши эслаймиз. Июль-август ойларида эса ҳарорат одатдагидан 8-10 даража юқори бўлгани, жанубий вилоятларимизда жазирама иссиқ 45-50 даражага етгани, кўзни очирмайдиган гармсёл, кучли шамол ва бўронлар кузатилгани, турли зараркундан ва касалликлар кўпайгани, табиийки, ғўза ривожига салбий таъсир кўрсатиб, ҳосил тақдирини хавф остида қолдирди.

Шуларнинг барчасини ҳисобга олган ҳолда, пахтакорларимизнинг бу йилги мавсумда, ана шундай кескин ва мураккаб вазиятда эришган юксак марра ва натижаларининг аҳамияти ва кадр-қиммати янада ортади ва ҳар қанча таҳсин ва тасанноларга арзийди, албатта.

Шу борада беихтиёр одамнинг ҳаёлига келадиган бир фикрни айтиб ўтишни ўринли, деб биламан. Пахта азал-азалдан оқлик, оқ рангнинг тимсоли сифатида эътироф этилади. Оқ пахтани фақат оққўнғил одамларгина етиштиради. Таъбир жоиз бўлса, пахта нафақат оқ рангнинг рамзи, балки фидокорона меҳнатнинг маҳсули десак, ҳеч қандай муболага бўлмайд.

Қадри юртдошлар!

Ҳеч кимга сир эмас, деҳқончиликда, айниқса, бизнинг Ўзбекистон шароитида тупроғимиз, еримиз сифатини инобат оладиган бўлсак, ҳар қандай ҳосилнинг энг катта, ҳал қилувчи омил — бу экин майдонларининг мелиоратив ҳолатидир. Кейинги беш йил мобайнида махсус давлат дастури асосида мамлакатимиз бўйича салкам 1 триллион сўм маблағ сарфланиб, 1 миллион 460 минг гектар сугориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолати яхшилангани кишлққ ҳўжалиги соҳасида мўл ҳосил етиштириш, жумладан, ўтган шу даврда пахтачиликда ҳосилдорликни 24 центнердан 26,4 центнерга етказиш учун замин яратиб берди.

(Давоми 2-бетда).

(Давоми 2-бетда).

ЎЗБЕКИСТОН ПАХТАКОРЛАРИ ВА БАРЧА МЕХНАТКАШЛАРИГА

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Мустақиллик йилларида ҳар бир ҳудуднинг тупроқ ва иқлим шароитига мос, эртаплатиш ва серхосил гўза навларини яратиш, селекционер олимларимизни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг меҳнатини рағбатлантириш бўйича олиб бораётган кенг қўламли ишларимиз туфайли ўнлаб истиқболли янги навлар яратилиб, амалда жорий этилган соҳа ривожига салмоқли қадам бўлганини қайд этиш зарур.

Бу йилги мавсумда вужудга келган мураккаб муаммо ва қийинчиликларни бартараф этиш учун ҳар қачонгидан ҳам кўпроқ куч ва имкониятларни сафарбар этишга тўғри келди. Бунинг тасдиғини, аввало, омилкор деҳқонларимизнинг интенсив агротехнологияларни самарали қўллагани, гўза қатор оралари ҳар йилгидан 3-4 марта кўп, ўртача 7 марта культивация қилингани, суғориш ишлари шарбат усулида олиб борилиб, гектарига 10 тоннадан, жами 10 миллион тоннадан ортиқ маҳаллий ўғит берилгани мисолида кўриш мумкин.

Шулар қаторида кейинги йилларда шаклланган самарали тизим асосида фермер хўжаликлари имтиёз-

ли кредитлар ва техника билан таъминлангани, зарур уруғлик, маҳаллий ва минерал ўғитлар, ёқилги-мойлаш материаллари бевосита дала-нинг ўзига етказиб берилгани, йиғим-терим жараёни уюшқоқлик билан ташкил этилгани етиштирилган мўл ҳосилни ёғин-сочинли кунларга қолдирмасдан, унинг 90 фоиздан ортигини юқори сортларга топшириш имконини берди.

Айниқса, дефолиация ишлари ўз вақтида ва сифатли амалга оширилгани, кейинги йилларда бу агротехник тадбирнинг нақадар муҳим эканини фермерларимиз чуқур англаб етгани ва бу борадаги ишлар тизимли равишда олиб борилаётгани гўза ривожда бирмунча кечикиш кузатиш жорий йилда ўзининг аниқ самарасини кўрсатди.

Энг муҳими, инсон омилига катта эътибор берилганлиги, қишлоқ аҳлининг ўз меҳнатидан манфаатдорлиги, ўз ерига эғалик ва масъулият ҳисси, эртанги кунга бўлган ишончи, дахлдорлик туйғуси тобора ортиб, онгу тафаккури юксалиб бораётгани бу борада ҳал қилувчи аҳамият касб этди, десам, ўйлайманки, сизлар ҳам бу фикрга қўшилсан.

Ишни оқилона ва самарали ташкил этиб, ўз шартнома мажбурият-

ларини биринчилардан бўлиб адо этган Қорақалпоғистон Республикаси, Навоий, Андижон, Фарғона, Бухоро вилоятлари, барча вилоятларимиз меҳнаткашлари мамлакатимизнинг юксак пахта хирмониға муносиб ҳисса қўшганини миннатдорлик билан таъкидлашни истардим.

Айниқса, Амударё, Эллиқалъа, Шахрихон, Тошлоқ, Учкўприк, Ўзбекистон, Вобкент, Қарши, Навбахор, Уйчи, Поп, Нарпай, Шеробод, Қумқўрғон, Бўка, Гуран туманлари деҳқон ва фермерлари белгиланган режани 20-25 иш кунини бажариб, кўпчиликка ўрнак ва намуна бўлдилар.

Юртимиздаги минглаб илғор фермер хўжаликлари қаторида Қамаш туманидаги "Ашур ота", Муборак туманидаги "Олам", Навбахор туманидаги "Мартабали", Наманган туманидаги "Олтин замин ифтихори", Каттакўрғон туманидаги "Хосил", Пахтачи туманидаги "Умида Шарипова", Сирдарё туманидаги "Адолат момо", Риштон туманидаги "Улуғбод юрт", Амударё туманидаги "Улуғбек Ҳозирбоев", Эллиқалъа туманидаги "Рўзимбой бобо", Олтинқул туманидаги "Нур-зиё кўзи" сингари фермер хўжаликлари ҳосилдорликни гектаридан 45-60

центнерга етказиб, фермерлик ҳаракатининг катта имкониятларини, ўзбек деҳқони қандай буюк ишларга қодир эканини яна бир бор исботлаб бердилар.

Айни вақтда бугунги кунда мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотларнинг тадрижий мантки, ҳаётнинг ўзи фермерлик ҳаракатини янги, юксак босқичга кўтаришни тақозо этаётганини ҳаммамиз яхши тушунамаз.

Бу борада соҳа ривожини учун янги имкониятлар туғдириб бериш, унинг самарадорлигини ошириш, ерни том маънода ҳақиқий эгасига топшириш, аграр соҳада ўзига хос мактаб яратган илғор фермерларнинг иш тажрибасини ёшларга ўргатиш, замонавий билим ва малакага эга бўлган янги фермерлар авлодини тарбиялаш каби ўта муҳим вазифалар эътиборимиз марказида туриши зарур.

Хурматли юртдошлар! Ҳаммамиз яхши тушунамазмики, қишлоқ хўжалиги соҳасидаги барча саяё-ҳаракатларимизнинг пировард натижаси деҳқонларимизнинг ўз меҳнатидан муносиб даромад олиши, аҳолимизнинг ҳаёт сифати ва даражасини оширишдек эзгу мақсад билан чамбарчас боғлиқдир. Шу маънода, мустақиллик йилла-

рида мамлакатимизда пахта толасини юксак технологиялар асосида қайта ишлаш, уни қўшимча қийматга эга бўлган маҳсулот сифатида экспорт қилиш ҳажми ортиб бораётгани диққатга сазовордир.

Агар 90-йилларда юртимизда етиштирилган жами пахта толасининг атиги 7 фоизи ўзимизда қайта ишланган бўлса, ўтган давр мобайнида бу рақам қарийб 6 баробар ортиб, ҳозирги вақтда салкам 40 фоизни ташкил этмоқда. Бу, ўз навбатида, олдимизда турган турли муаммоларни ечиш, минг-минглаб юртдошларимиз, айниқса, ёшларимизни замонавий иш жойлари билан таъминлаш, аҳолининг даромад манбаларини кўпайтириш имконини бераётганини, ўйлайманки, тушуниш қийин эмас.

Дастлабки ҳисоб-китобларга кўра бу йил пахтачиликдан олинган янги даромад ўртача 3 триллион 100 миллиард сўмдан зиёд ёки ўтган йилга нисбатан 23 фоиз кўп бўлиши кутилаётгани деҳқон ва фермерларимизнинг ўз меҳнатидан манфаатдорлигини кучайтириш, "Обод турмуш йили" Давлат дастури ва бошқа умуммиллий дастурларимиз доирасида белгиланган олган вазифаларимизни амалга оши-

ришга хизмат қилиши билан, айниқса, эътиборлидир.

Азиз ва муҳтарам ватандошларим! Бугунги хурсандчилик кунда сиз, фидойи деҳқон ва фермерларни, сувчи ва механизаторларни, агроном ва селекционерларни, мутахассис ва мутасаддиларни, Ўзбекистонимизнинг юксак пахта хирмониға муносиб ҳисса қўшган барча инсонларни бағримга босиб, яна бир бор табриклар эканман, сизларга қалбимда, юрагимда бўлган ҳурмат-эҳтиромим ва эзгу тилакларимни изҳор этаман.

Мана шундай шуқули дамларда биздан марҳаматини дариг тутмасдан, ўз паноҳида асраб келаётгани, доимо йўлимизни очиб бераётгани учун Яратганимизга шукроналар айтишимиз ҳам қарз, ҳам фарз деб биламан.

Эл-юртимиздан, хонадонларимиздан файзу барака, тинчлик-осойишталик арамасин! Осмонимиз ҳаммаша мусаффо бўлсин!

Ҳалол меҳнатингизнинг роҳатини кўринг, ҳеч қачон кам бўлмаг, азизларим, қадрдонларим!

Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Президенти

ФИДОКОРОНА МЕХНАТ, АЗМУ ШИЖОАТ САМАРАСИ

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Дарҳақиқат, пахта — ноёб маҳсулот. Аммо очик айтиш керак, бизнинг шароитимизда уни етиштириш осон эмас. Чунки дунё бўйича пахта хом ашёси тайёрланадиган мамлакатлар ичида Ўзбекистон энг шимоллий минтақада жойлашган. Шундай бўлса-да, республикамиз жондор нафақат пахта етиштириш, балки уни экспорт қилиш борасида ҳам етакчилар сафидан мустаҳкам жой эгаллагани ҳар биримизнинг қалбимизда гурур ва ифтихор туйғуларини уйғотиши табиий ҳолдир.



Пахтачиликда бундай юксак марраларни забт этишда, албатта, Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида қишлоқ хўжалигида амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар, хусусан, фермерлик ҳаракати ривожлантирилаётгани, соҳага фан-техника ютуқлари ҳамда илғор технологиялар изчил жорий қилинаётгани, эртапашар, серхосил ва саноатбоп янги гўза навлари яратилиб, районлаштирилаётгани муҳим омил бўлмоқда.

Зеро, давлатимиз раҳбари қашқадарёлик фермерлар билан мулоқот чоғида алоҳида таъкидлаганидек, "Пахтанинг хусусиятлари, сифат кўрсаткичлари жуда кўп. Ҳосилдорлигининг юқорилиги, зараркунчаларга чидамлиги, толасининг узунлиги, пишқиллиги ва текислиги шулар жумласидандир. Пахта етиштиришда, аввало, нав танлашда ана шу талаблардан келиб чиқиб, иш туттиш зарур. Бунинг сифатли пахта етиштиришдан, аввало, фермерларнинг ўзи манфаатдор. Улар қанча сифатли пахта тайёрласа, шунча кўп даромад топади".

Ана шундай кўрсатмалар ва йўл-йўриқлар асосида олимларимиз гўзанинг янги ва истиқболли навларини яратиш юзасидан илмий изланишларни олиб бормоқдалар. Бунинг самараси ўлароқ, масалан, Геномика ва биоинформатика марказида ишлаб чиқилган

янги генлар нокаути технологияси шарофати туфайли ипақ пахта толасидек ўта сифатли тола берадиган, тезпишар, ҳосилдор гўза навлари яратиш имконияти юзага келдики, бу янгилик Пахта бўйича халқроқ маслаҳат қўмитаси томонидан "2013 йилнинг энг яхши тадқиқоти" дея эътироф этилди.

Шу йил 16-17 октябрь кунлари бўлиб ўтган IX халқаро Ўзбекистон пахта ва тўқимачилик ярмаркасида 680 минг тонна ўзбек толаси савдоси бўйича шартномалар имзолангани эса дунё бозорига унга бўлган талаб тобора ошиб бораётганини яна бир қарра исботлади.

Мутахассисларнинг қайд этишича, гўза — иссиқсевар ўсимлик. Бироқ бу экин етарлича қуёш нурини олган бўлса-да, алоҳида парваришни тақозо этади. Тажрибали деҳқон ва фермерларимиз уни "ўта меҳр-талаб ўсимлик", дейишнинг боиси ҳам шунда. Юртимизда айни шу жиҳат эътиборга олинб, пахтакорларга барча шарт-шароит яратилаётгани, мукамал таъминот тизими ишлаб тургани муваффақиятлар омили бўлаётди. Аниқроғи, фермер хўжаликлари га имтиёзли кредитлар ажратиш, уруғлик, ёнилғи-мойлаш материаллари ва ўғитни дала бошига етказиб бериш йўлга қўйилгани, пахтанинг харид нар-



хи оширилаётгани — буларнинг бари, ўз навбатида, пахта ҳосилдорлигини йил сайин кўпайтириш, унинг сифат кўрсаткичларини янада яхшилашга хизмат қилаётди. Жорий йилда кўллаб фермер хўжаликларида ҳар гектар ердан 45-60 центнергача ҳосил олингани ана шундан далолат беради.

Пахтачилик тармоғида эришаётган ютуқларимизнинг таҳлили яна шунки кўрсатмоқдаки, аввало, бор, ер ҳақиқий эгасини тоғди, фермерларда мулкдорлик ҳисси шаклланди, агротехника тадбирлари ўз вақтида ўтказилди, деҳқонларга унумли меҳнат қилиши учун барча қўлайликлар муҳайё этилди.

Шу ўринда, ҳолисона айтиш жоизки, жорий йилда 3 миллион 350 минг тонналик улкан пахта хирмонини яратиш осон кечгани йўқ. Хусусан, қўламда экин-тикин ишлари бошланганда ёмғирлик кунлар кўп бўлгани ноқулайликларни туғдирган бўлса, баҳорнинг сўнги ойда ҳавонинг нисбатан салқин келиши гўза ривожини бирмунча кечиктириб юборди. Пахта ҳосилига ҳосил қўшилаётган июль-август ойларида эса ҳароратнинг

ўта исиб кетиши хирмон тақдирини ҳавф остида қолдирди. Қисқача айтганда, табиат ўзининг ажаб-товур инжиқликлари билан пахтакорларни синовдан ўтказди. Лекин кўпни кўрган, катта тажриба тўплаган деҳқонларимиз омилкорлик билан ишлаб, фидойилик намоян этган ҳолда, барча қийинчиликларни мардонвор енгиб ўтиб, мўл ва баракали

маблағ ҳисобидан 1 миллион 460 минг гектар суғориладиган ерларнинг унумдорлиги оширилгани бошқа қишлоқ хўжалиги экинлари қаторида пахта ҳосилдорлигини ҳам юксалтиришга қўл келди.

Шу билан бирга, жорий йил йиғим-терим мавсумида махсус отрядлар ташкил этилиб, ишчиларнинг моддий манфаатдорлиги таъминлангани, "Тошкент

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Парламент аъзолари «Сийёсий партиялар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига тақлиф этилган ўзгаришлар маҳаллий ижтимоий-иқтисодий вазифаларни ҳал этишда сийёсий партияларнинг роли ва ўрнини янада мустаҳкамлашга, сайловолди платформасини ва дастурий мақсадларини бажаришда уларнинг фаоллигини янада кучайтиришга, шунингдек, давлат органлари ва мансабдор шахслар фаолиятини амалга оширишда уларнинг жавобгарлигини оширишга хизмат қилишини таъкидладилар.

Кун тартибидеги иккинчи масала — "Тўғридан-тўғри чет эл инвестицияларини жалб этиш янада рағбатлантирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси юзасидан таъкидландики, у мамлакатимиз иқтисодиётига, айниқса, саноатнинг юқори технологик тармоқларига чет эл инвестицияларини фаолроқ жалб этишга, мамлакатимизда инвестиция муҳитини такомиллаштиришга, Ўзбекистон ҳудудига чет эллик инвесторлар фаолияти учун қулайроқ шарт-шароитлар яратишга қаратилган. «Чет эллик инвесторлар ҳуқуқларининг кафолатлари ва уларни ҳимоя қилиш чоралари тўғрисида»ги, «Чет эл инвестицияларни тўғрисида»ги, «Бож тарифи тўғрисида»ги қонунларга, Ўзбе-

ДЕПУТАТЛАР ҚОНУН ЛОЙИҲАЛАРИНИ ИККИНЧИ ЎҚИШДА КЎРИБ ЧИҚДИЛАР

кистон Республикасининг Солиқ кодексига тегишли тузатишлар киритиш тақлиф этилмоқда.

Кўриб чиқилган «Хуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги қонун лойиҳаси, депутатлар корпусининг фикрича, суд-хуқуқ тизимини ислоҳ қилиш соҳасидаги жамоат ҳавфсизлиги ва жамоат тартибининг таъминловчи ҳуқуқий механизмларни такомиллаштириш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини жинсий таъвозулардан ҳимоя қилиш каби устувор вазифаларни бажаришга, пировардида эса ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш тизими самарадорлиги ва таъсирчанлигини янада яхшилашга қаратилган.

Хуқуқбузарликлар профилактикасининг мақсадлари, вазифалари, принциплари ва асосий йўналишларини, ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг субъектлари ва уларнинг ваколатларини, шунингдек, ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг чора-тадбирлар тизимини ҳамда уларни амалга ошириш тартибининг белгилаб берувчи нормалар ушбу қонун лойиҳасининг асосий янги жиҳатлари ҳисобланади. Қонун лойиҳасида асосий эътибор профилактика

тадбирларини амалга ошириш ҳақиқатида фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларининг ишончли ҳимоясини ҳамда уларга риоя этиш кафолатини таъминловчи нормаларга қаратилмоқда. Шу муносабат билан қонун лойиҳасининг алоҳида моддалари профилактика ҳисобига олинмиши лозим бўлган шахсларнинг асослари ва тоифаларини аниқ ва тушунарли белгилашга, профилактика ҳисобини юритиш тартиб-таомиллари, профилактика ҳисобида туриш шартларини бузувчи шахсларга нисбатан қўлланиладиган таъсир чора-тадбирларини эркинлаштиришга ва инсонларнинг руҳи билан суғоришга бағишланган.

Мажлисда ушбу ҳужжат мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш давлат стратегиясига тўлиқ мос келиши таъкидланди.

Кўриб чиқилган масалалар юзасидан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси тегишли қарор қабул қилди.

Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси
Қонунчилик палатасининг
Ахборот хизмати.

Ўзбекистоннинг иқтисодий ва сармоявий салоҳияти Францияда тақдим этилди

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Унинг айтишича, бундан қарийб 15 йил аввал Бухоро ва Рўзй-Мальмеюсан шаҳарларининг бирозарлашгани, икки томонлама муносабатларни ривожлантиришда муҳим омил бўлмоқда. Икки шаҳар маъмуриятлари ўртасида яқин алоқалар йўлга қўйилган, мунтазам равишда ўзаро делегация алмашувлари ташкил этилаётди, маданий-гуманитар ҳамкорлик қўллаб-қувватланмоқда.

— Бизнинг умумий мақсадимиз Франция компанияларини Ўзбекистоннинг иқтисодий салоҳияти, мамлакатда бизнес юритиш учун яратилган қулай шароитлар хусусида батафсил маълумотлар билан яқиндан таништиришдир, — деди Патрик Олье. — Умид қиламанки, бугунги анжуман Франция сармояларининг Ўзбекистон саноатини жалб этилишига кўмаклашди.

Тақдимотда мамлакатимиз билан амалий ҳамкорлик таърибисига эга бўлган ҳамда ўзаро муносабатларни йўлга қўйишни мўлжаллаётган Франция бизнеси вакиллари ҳам сўзга чиқди-

лар. Тадбир ҳар икки томон учун манфаатли ҳамкорликнинг устувор йўналишлари ва истиқболлари, Ўзбекистон саноатининг ҳозирги ҳолати ҳамда ривожланиши, юртимизда хорижий сармоядорлар учун берилган имтиёزلар ва хайъта татбиқ қилинаётган ижтимоий-иқтисодий ислохотлар юзасидан ўзаро фикр алмашувларга боғлиқ бўлди.

"Thales" компанияси вице-президенти Мишель Рикард Ўзбекистоннинг диверсификацияланган иқтисодиёти ҳамда мамлакатнинг юқори малакали мутахассисларга эга эканлиги хорижий сармоядорларни ўзига жалб этаётганини таъкидлади.

— Ҳозирги пайтда биз "Oberthur Technologies" компанияси билан ҳамкорликда мамлакатимизда биометрик паспортларни чиқариш бўйича иш олиб бормоқдамиз, — деди тадбиркор. — Шунингдек, биз "Ўзбекистон ҳаво йўллари" Миллий авиакомпанияси билан ўзаро ҳамкорликни кенгайтиришга интилимизда, қўшма телекоммуникация йўлдоши лойиҳаси устида иш олиб

бораётганимиз баробарида, GSM 4G тизимини қўллаш юзасидан Ўзбекистон мобил алоқа операторлари билан музокара ўтказишни режалаштирганмиз.

"Air Liquide" компанияси вице-президенти Кристоф Фонтен юртимизда энергия трансформацияси соҳасида хайъта татбиқ қилинаётган сармоялаш бўйича узоқ муддатли дастур ҳақида атрофлича тўхтади.

— Биз саноат газлари заводининг қурилишдан манфаатдоримиз, — деди у, жумладан. — Чунки бундан бундан саноат газларига бўлган талаб, айниқса, кимё, нефтчи қайта ишлаш ва металлургия жаҳонларида барқарор равишда ошиб бораверади. Жорий йилнинг март ойида "Ўзбекнефтегаз" Миллий ҳолдинг компанияси ҳамда "Air Liquide" компанияси ўртасида саноат газлари ишлаб чиқариш соҳасида ҳамкорлик тўғрисидаги ҳужжат имзоланди. Бу ўзаро амалий ҳамкорлигимизнинг янги босқичи бўлди.

«Жаҳон» АА.



Шомурот ШАРАПОВ олган суратлар.

Икром ЎТБОСАРОВ,
Саид РАҲМОНОВ,
«Халқ сўзи» муҳбирлари.

ИСТИҚЛОЛ ИНШОТЛАРИ

Оила — Ватан остонаси, муқаддас қўрғон. У оламдаги барча эзгуликлар ибтидоси, ҳаёт бардавомлигининг асосидир. 2006 йил 27 октябрда Қарши шаҳрида очилган “Эл-юрт таянчи” ёдгорлик мажмуаси ана шу эзгуликларни камол топтирган ва фарзандлар қалбига жо қилган заҳматкаш ўзбек оиласига қўйилган нодир ҳайкал бўлиб қолди. Ундаги ҳар бир сиймо ва бадиий чизгилар халқимизнинг кўп асрлик тарихи, ўзбек оиласининг мардлиги ва матонатидан сўзлайди.

Боқий қадриятлар ва матонат тимсоли

кенг, фидойи ва заҳматкаш ота, она тимсолида эса мунис ва меҳрибон ўзбек аёли намоён бўлган. Обида пойидаги тегири мон тоши замонлар алмашинуви, авлодлар бардавомлиги билан бир қаторда, ризк, барака ва фаровонлик рамзини ифода қилади.

Ушбу мажмуа вилоят аҳолисининг сеvimли масканига айлиниб улгурган, — дейди Қарши шаҳрида яшовчи меҳнат фахрийси Ҳамида Исрожова. — Ҳар гал ана шу монумент пойига келганимизда, қалбимиз гурурга тўлади. У ёшларимизни Ватанимизга, халқимизга муносиб фарзанд бўлишга даъват этиб турибди. Шу маънода, ушбу ёдгорлик менга халқимизнинг бунёдкорлик салоҳиятига, шижоатига қўйилган ҳайкалдек туюлади.

Қарши шаҳрининг 2700 йиллик юбилейи нишонланганига бу йил етти йил бўлди. Утган шу қисқа даврда вилоят маркази янада кенгайиб, аввалгидан-да обод ва кўркам қиёфа касб этди. Ўзбекистон кўчасида қад ростлаган кўп қаватли тураржойлар ва Насаф кўчасидаги замонавий иморатлар, “Дельфин” дам олиш маскани, янги қурилган “Осуда”, “Ёшлик” ва “Сокин плаза” меҳмонхоналари, Наврўз майдони, мукамал таъмирдан чиқарилган

ноёб тарихий-меъморий обидаларимиз — Одина, Кўкғумбаз, Хўжа Абдулазиз, Қиличбек, Бекмир, Шарофбой каби масжид, мадрасалар, кўҳна кўприк ва сардоба, қадимги ҳаммом ҳамда бошқа ёдгорликлар, кўркам хиёбонга айлантирилган Мустақиллик майдони шаҳар хуснига хусн қўшиб турибди. Айна пайтда ҳам Қаршида бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари изчил давом эттирилмоқда. Чунончи, Қарши шаҳрининг 2030 йилгача мўлжалланган бош режасини амалга ошириш, шаҳар инфратузилмасини реконструкция қилиш ва таъмирлаш бўйича махсус дастур қабул қилинган, бу борадаги юмушлар бутунлай янги босқичга кўтарилди. Шунга мувофиқ, биринчи навбатда, Қарши ҳудудини кенгайтириш,

йўл-транспорт инфратузилмасини тубдан яхшилаш мақсадида шаҳарни айланиб ўтадиган, узунлиги 56 километр бўлган ҳалқа йўл қурилиши бошлаб юборилди. Бинобарин, умумий узунлиги 30 километрдан зиёд бўлган 6 та магистраль йўлни ҳамда шаҳардаги ички йўллари кенгайтириш ҳисобига автомобиль транспорти ва пёдалар учун қулай шарт-шароитлар яратиш кўзда тутилган. Воҳанинг иқлим ва табиий шароитини ҳисобга олган ҳолда, Қарши магистраль канали, Қашқадарё ва бошқа каналлар ҳудудида янги инфратузилма объектилари, оилавий дам олиш масканлари барпо этиш режалаштирилмоқда. Бу эзгу мақсадлар ён жами бир триллион сўмдан зиёд маблағ йўналтирилди.

Мухтасар айтганда, мустақиллик йилларида миллатимиз ва халқимиз тарихий илдизларининг нақадар чуқур эканлигидан далолат берувчи улкан маданий меросимиз, маънавий қадриятларимиз қайта тикланди. Бугунги кунда Қаршининг бош майдонига ярашиб турган маҳобатли “Эл-юрт таянчи” ёдгорлик мажмуаси қашқадарёликлар ва бу ерга келувчи меҳмонларнинг муқаддас қадамжоларидан бирига айланди. Эндликда вилоятга ташриф буораётган барча меҳмонлар, хорижий сайёҳлар, ишбилармон ва расмий доиралар вакиллари, албатта, бу мажмуага қадамранжида қилиб, шу юртини обод этаётгани, унинг ён келажиги учун фидокорона меҳнат қилаётган халқимизга ҳурмат ва эҳтиром кўрсатмоқдалар.

Аҳад МУҲАММАДИЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Спорт

Ҳамюртларимизнинг спортдаги зафарли одимлари ҳақида Словениянинг Любляна шаҳридан хушxabар олдик.



Дзюдо бўйича 21 ёшгача бўлган йигит-қизлар ўртасида давом этаётган жаҳон чемпионатида Ўзбекистон терма жамоаси азбоси Диеббек Ўрозбоев (60 кг.) кумуш медални кўлга киритди. Мохир спортчимиз мусобақа давомида мўғулистонлик Ганболд Мункхтур, эквадорлик Карлос Матуте, япониялик Юма Ошима ва тур-

Дзюдочиларимиз совриндорлар сафида

киялик Аҳмед Шахин Кибани мағлубиятга учратиб, финалга чиқди. Фақат якуний баҳсдагина Жанубий Корея дзюдо-чиси Ба Ул Анга кичик ҳисобда имкониятни бой берди. Шунингдек, кеча 73 кг. вазн тоифасида

яна бир ҳамюртимиз Сарвар Шомуродов ҳам кумуш медални кўлга киритди. Маълумот ўрнида айтиб ўтамиз, жаҳон чемпионатида Ватанимиз шарафини 11 нафар спортчи ҳимоя қилмоқда.

Улуғбек охиригача курашди

Польшанинг Вроцлав шаҳрида оғир атлетика бўйича ўтказилаётган жаҳон чемпионатида ҳамюртимиз Улуғбек Алимов (77 кг.) совриндорлар сафидан жой олди.

У даст кўтаришда 158 кг. натижа билан тўртинчи ўринни эгаллаган бўлса, силтаб кўтаришда 197 килограмм тошни бўйсундириб, кумуш медални кўлга киритди. Шунингдек, кеча қайд этиш жонизки, мазкур

бахсада Улуғбек охиригача курашди. Хусусан, у 201 килограммлик штангани силтаб кўтаришга астойдил ҳаракат қилди. Бирок, бир оз омади юришмади. Умумий ҳисобда Улуғбек 355 кг. натижа қайд этиб,

бронза медалига эга бўлди. Мутахассислар ўзбек ўғлонининг оғир атлетикада кучли рақобатни енгиб ўтишга қодир истеъдодли спортчи эканлигини алоҳида эътироф этишди.



Бирлашган Араб Амирликларида давом этаётган ўсмирлар ўртасидаги XV жаҳон чемпионатида Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоаси гуруҳ ўйинларини муваффақиятли яқунлаб, нимчорак финал йўлланмасини кўлга киритди.

Ажойиб ўйин, муносиб ғалаба



Учинчи тур доирасида хорватиялик тенгурларига қарши баҳс олиб борган ҳамюртларимиз 2:1 ҳисобда ғалаба қозонди. Уйиннинг 14-дақиқасида Достонбек Ҳамдамов томонидан йўлланган зарбани қайтаришга уринган рақиб жамоа ҳимоясига ўз дарвозасига тўп киритиб қўйди. Биринчи бўлимда Хорватия футболчили-

ри ўртадаги мувозанатни тенглаштирди. Голга Алем Халилович муаллифлик қилди. Аммо иккинчи бўлимда Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоаси ҳисобда яна олдинга чиқиб олди. Жамшид Болтабоевнинг узоқ масофадан киритган ажойиб голи шу куни вакилларимизга ғалаба келтирди. Гуруҳдаги иккинчи учрашувда Марокаш ўсмирлар терма жамоаси Панама футболчиларини 4:2 ҳисобда мағлуб этди. Дилшод Нуралиев шогирдлари нимчорак финалда Гондурас терма жамоасига қарши майдонга тушадиган бўлди. Ушбу ўйин 28 октябрь куни Тошкент вақти билан соат 21:00 да бошланади.

Шавкат ОРТИҚОВ тайёрлади.

«Соғлом оила — соғлом келажак»

Самарқанд шаҳридаги “Афросиёб” спорт мажмуида вилоят хотин-қизлар кўмитаси, “Соғлом авлод учун” халқаро хайрия жамғармаси ҳамда Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ҳамкорлигида “Соғлом оила — соғлом келажак” шиори остида спорт мусобақаси бўлиб ўтди.

Ушбу тадбирда Самарқанд вилоятининг ҳар бир туман ва шаҳридан биттадан оилавий жамоа

ри бўйича ўзаро беллашдилар. Қизгин кечган баҳсларда барча шартларни яхши бажарган Иштихон туманидаги Ш. Ғофуровлар оиласи мусобақанинг республика босқичида қатнашиш ҳуқуқини кўлга киритди. Булунғурлик Б. Туробовлар оиласи иккинчи, Самарқанд туманидаги Д. Ҳасановлар оиласи эса учинчи ўрин соҳиби бўлишди.

Мамадиёр ЗИЁДИНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Ишлаб чиқариш ва сервис мажмуаси

Уйчи тумани марказида кўп тармоқли ишлаб чиқариш ва сервис мажмуаси фойдаланишга топширилди. Тадбиркор Асила Убайдуллаева ташаббуси билан амалга оширилган мазкур лойиҳа туфайли 50 киши доимий иш ўрнига эга бўлди.

ТАШАББУС

Уч қаватли бинода жойлашган мажмуага “Хамрохбегим” деб ном берилди. Бу ердан тикувчилик цехи, 300 ўринли тантаналар зали, новвойхона ва савдо шохобчаси ўрин олган бўлиб, лойиҳа рўйиби учун 500 миллион сўмдан зиёд маблағ йўналтирилди. Айна кунда маҳалла кизларидан 15 нафари жалб этилган тикувчилик цехида, айниқса, иш қизгин. — Яқин кунларда қандалат маҳсулот-

лари тайёрлашни ҳам йўлга қўямиз, — дейди А. Убайдуллаева. — Бу билан ҳудудда ўтказиладиган тўй ва маросимларга турли ширинлик ва пишириқлар етказиб бериш имконияти юзага келади. Бундан ташқари, мажмуада меҳмонхона хизмати кўрсатиш ҳам йўлга қўйилди.

Қудратилла НАЖМИДИНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Қулай ва мақбул суғурта хизматлари

Хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш, унинг кўламини кенгайтириш, бу борада, айниқса, аҳолига имтиёз ва афзалликлар бериш мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотларнинг асосий йўналишларидан биридир.

АНЖУМАН

Хусусан, суғурта хизматини тобора такомиллаштириш мақсадида унинг молиявий инфратузилмасини шакллантириш, янги сегментларини ўзлаштириш бўйича изчил чора-тадбирлар кўрилаяптики, бу ўзининг юксак самарасини бермоқда. Кейинги йилларда суғурта бозорини кўлаб қулай ва мақбул хизматлар тақлиф қилинаётгани шундай дейишимизга асос бўла олади.

Дарҳақиқат, биргина “Ўзбекинвест” экспорт-импорт миллий суғурта компанияси томонидан

90 дан ортиқ суғурта хизматлари тақлиф этилаётган бўлиб, улар ихчамлиги, оммабоплиги, кам ҳужжат талаб қилиши билан аҳолига мақбул бўлмоқда. 2013 йилнинг тўққиз ойида ўтган йилнинг шу давридаги нисбатан суғурта мукофотлари ҳажми 25,1 фоиз, қабул қилинган суғурта мажбуриятлари ҳажми 21,1 фоиз ошгани ана шундан далолат беради, албатта.

Пойтахтимизда “Ўзбекинвест” экспорт-импорт миллий суғурта компанияси томонидан аҳолига

кўрсатилаётган суғурта хизматлари турларини янада такомиллаштириш, миқдорларга имтиёз ва афзалликлар бериш юзасидан амалга оширилаётган ишларга бағишланган матбуот анжуманида шу ҳақда айтиб ўтилди.

— Жисмоний шахсларга кўрсатилаётган суғурта хизматлари кўламини кенгайтириш мақсадида ўтган йили “Ўзбекинвест” экспорт-импорт миллий суғурта компанияси тизимида Суғурта маркази ташкил қилинган эди, — дейди ушбу марказ ме-

нежери Сайфулло Мирзоев. — Марказимиз олдига қўйилган устувор вазифалардан келиб чиқиб, ўтган қисқа даврда муайян ишлар амалга оширилди. Натижада жисмоний шахсларга мўлжалланган суғурта маҳсулотларининг сони 40 тага, улар билан тузилган шартномалар сони қарийб 76 мингтага етди.

Анжуман иштирокчиларида, айниқса, миқдорларга қулай, тезкор ва сифатли хизматлар кўрсатиш мақсадида компания фаолиятига “SMS” орқали ахборот хизматлари кўрсатиш, интернет тармоғи ва “SMS-To'lov” электрон тўловлар тизими ёрдамида полислар сотиш каби янгиликларни татбиқ этиш борасида олиб борилаётган ишлар катта қизиқиш уйғотди.

Саид РАҲМОНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.


Ажойиб биологик ва экологик хусусиятга эга ёнғоқ дарахти ер танламайди. У тоғда ҳам, чўлда ҳам ўсверади. Буюк табиб Абу Али ибн Синонинг ёзишича, ёнғоқ япроғи шираси илиқ ҳолда қулоққа томизилса, йиринглашнинг олди олинади. Қобигининг қуялтирилган шираси томоқ огригини босиб, йўталга малҳам бўлади. Қовурилгани киндик устига қўйилса, ичак огриқларини босиб, ич кетишини тўхтатади.

Ёнғоқ — дардга дармон

Ёнғоқнинг мағзи, айниқса, жуда фойдали. Унинг таркибидаги темир, фосфор, мис, серотин моддалари, мой ва оксил таом ҳазмини яхши-

лайди, қувватни ошириб, асаб тизимининг фаолиятини меъёрлаштиради. Шунингдек, ёнғоқ дарахти араланганда чиққан қипиқ сирка

Мирзамир МИРЗАШАРИПОВ, доришунос.



САЛОМАТЛИК

Гулистон шаҳрида “Энг намунали ҚВП”, “Энг яхши умумий амалиёт врачлари” ва “Энг яхши оила ҳамшираси” номинациялари бўйича республика кўриктанловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди.

Энг намунали ҚВП

Аҳоли репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, қишлоқ аҳолисига кўрсатилаётган тиббий хизмат сифати ва самарадорлигини янада ошириш мақсадида ташкил этилган мазкур тадбирнинг туман босқичларида вилоятдаги барча — 142 та қишлоқ врачлик пункти қатнашди.

— Қишлоқ врачлик пунктларимизда 140 дан нафарга яқин ҳамшира фаолият кўрсатмоқда, — дейди Сирдарё вилояти соғлиқни сақлаш бошқармаси “Саломатлик — 3” лойиҳасини амалга ошириш ҳудудий бюроси директорини Норқўзи Тилалов. — Уларнинг билим ва малакасини юксалтиришда мазкур танловнинг аҳамияти катта.

Яқинда Оқолтин туманидаги Бобур номли қишлоқ врачлик пункти “Энг намунали ҚВП” деб топилди. Қолган йўналишлар бўйича ҳам голиблар аниқланиб, ташкилотчилар томонидан диплом ва қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди.

Аҳмадали ШЕРНАЗАРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Халқ сўзи Народное слово. Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ. 2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1054. 76 496 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда. ТЕЛЕФОНЛАР: Девонхона 233-52-55; Котибият 233-10-28; Эълолар 232-11-15. МАНЗИЛИМИЗ: 100000. Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй. Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов. Навбатчи муҳаррир — С. Раҳмонов. Навбатчи — Ф. Абилов. Мусахҳиҳ — Ш. Машраббоев. «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 02.35 Топширилди — 02.50 1 2 3 4 5